



**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда “ERGO Analytics”
компанияси ўртасида илмий ва академик ҳамкорлик соҳасида**

ЎЗАРО АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ

2026 йил “___” май

Тошкент шаҳри

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Англашув меморандуми (кейинги ўринларда – “Меморандум”) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда – “Марказий банк”) ва “ERGO Analytics” компанияси ўртасида (биргаликда “Томонлар” деб юритилади) илмий-тадқиқот ва академик ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тузилади.

1.2. Меморандум Томонлар ўртасида стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиш, илмий салоҳиятни бирлаштириш ҳамда иқтисодий сиёсатни шакллантиришда далилларга асосланган ёндашувларни кучайтиришга қаратилган.

1.3. Ушбу Меморандум Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий шартнома ҳисобланмайди, балки ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва механизмларини белгилайди.

2. Ҳамкорликнинг мақсадлари

Меморандумнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

2.1. Молиявий хулқ-атвор ва жамғариш маданиятини ўрганишга қаратилган қўшма тадқиқотларни амалга ошириш;

2.2. Экспериментал тадқиқотлар ўтказиш бўйича тажриба алмашиш;

2.3. Ҳудудларда ва тармоқларда табдиркорлик фаоллигини ошириш, иқтисодий сиёсатнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий таҳлиллар ўтказиш;

2.4. Марказий банк ходимларининг илмий ва амалий салоҳиятини ошириш;

2.5. Халқаро илмий журналларда юқори сифатли мақолалар тайёрлаш ва чоп этиш.

3. Ҳамкорлик йўналишлари

Томонлар қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ҳамкорлик қиладилар:

3.1. Қўшма илмий тадқиқотлар:

Томонлар қуйидаги мавзуларда қўшма тадқиқотларни амалга оширадилар:

- “Қишлоқ жойлардаги уй-хўжаликларининг жамғаришга мойиллигини оширишга қаратилган хулқ-атвор интервенциялари самарадорлигини баҳолаш” мавзусида эмпирик тадқиқот;
- “Миллий иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришлари шароитида тадбиркорлик фаоллигини ошириш” мавзусида тадқиқот;

Тадқиқот мавзулари номи томонларнинг ўзаро келишуви асосида қайта кўриб чиқилиши ҳамда тадқиқот йўналиши доирасидан чиқмаган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

3.2. Таълим ва малака ошириш:

- Марказий банк ходимлари учун ERGO Analytics томонидан ташкил этиладиган ёзги мактабда иштирок этиш имконияти яратилади;

3.3. Илмий нашрлар:

- Томонлар қўшма тадқиқот натижалари асосида илмий мақолалар тайёрлайдилар;
- Мақолалар нуфузли халқаро илмий журналларда (Scopus, Web of Science базаларига киритилган) чоп этишга йўналтирилади;
- Мақолаларни тайёрлашда ўзаро илмий маслаҳат ва таҳририй кўмак кўрсатилади.

3.4. Ҳамкорликнинг бошқа йўналишлари:

- Томонлар ўзаро келишув асосида семинарлар, воркшоплар ва тренинглар, меҳмон маърузалари, илмий муҳокамалар (research seminars) ташкил этишлари мумкин.

3.5. Ҳамкорликни ташкил этиш механизми:

- Ҳар бир қўшма тадқиқот ёки лойиҳа бўйича алоҳида ишчи гуруҳлар ташкил этилади;
- Томонлар масъул координаторларни белгилайдилар.

4. Томонларнинг мажбуриятлари

Марказий банк:

- 4.1. Тадқиқотлар учун зарур институционал кўмак кўрсатади;
- 4.2. Мавжуд маълумотлардан фойдаланиш имкониятини (қонунчилик доирасида) таъминлайди;
- 4.3. Тадқиқот дизайни ва методологиясини ишлаб чиқишда фаол иштирок этади;
- 4.4. Таҳлилий ва эмпирик баҳолаш жараёнларида иштирок этади;
- 4.5. Сўровномалар, дала тадқиқотлари ва экспериментларни ташкил этиш ҳамда ўтказишда ERGO Analytics билан ҳамкорлик қилади;
- 4.6. Ходимларнинг тадқиқот ва таълим дастурларида иштирокини таъминлайди;
- 4.7. Тадқиқот натижаларини сиёсатда қўллашни кўриб чиқади.

ERGO Analytics:

- 4.8. Тадқиқотларнинг умумий концепцияси, дизайни ва методологиясини ишлаб чиқишни мувофиқлаштиради;
- 4.9. Аналитик ва эконометрик таҳлилларни амалга оширади ҳамда уларни Марказий банк билан биргаликда муҳокама қилади;
- 4.10. Сўровлар, дала тадқиқотлари ва экспериментларни Марказий банк билан ҳамкорликда ташкил этади ва ўтказди;
- 4.11. Мунтазам равишда ташкил этиладиган ёзги мактаб доирасида Марказий банк ходимларининг иштирок этишини таъминлаш мақсадида тегишли шарт-шароитлар яратади ва ташкилий жиҳатдан кўмаклашади;
- 4.12. Илмий мақолаларни тайёрлаш ва халқаро нашрларга тақдим этиш жараёнида методик кўмак кўрсатади.

5. Молиялаштириш

- 5.1. Ушбу Меморандум доирасида назарда тутилган қўшма тадқиқотлар ва илмий-академик ҳамкорлик фаолиятлари молиялаштиришсиз (бепул асосда) амалга оширилиши кўзда тутилади;
- 5.2. Шу билан бирга, Томонлар ўзаро келишув асосида алоҳида лойиҳалар, тадқиқотлар, консалтинг хизматлари ёки таълим дастурлари бўйича пуллик (тижорат асосидаги) ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда молиялаштириш шартлари, тўлов миқдори ва тартиби алоҳида шартнома ёки битим билан белгиланади;

5.3. Томонлар қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун грантлар, донор ташкилотлар ва халқаро молиявий институтлар маблағларини жалб қилиш имкониятларини кўриб чиқишлари мумкин.

6. Махфийлик

6.1. Томонлар тадқиқот жараёнида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлайдилар ва улардан фақат келишилган мақсадларда фойдаланадилар.

7. Муддат ва амал қилиш

7.1 Ушбу Меморандум Томонлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 3 (уч) йил муддат давомида амал қилади;

7.2. Ушбу Меморандум Томонлар келишувига кўра узайтирилиши мумкин.


8. Яқунловчи қоидалар

8.1. Томонлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ўзига хос шакллари фаолиятнинг барча жиҳатлари бўйича томонларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда алоҳида шартномалар ёки битимлар билан белгиланади;

8.2. Ушбу Меморандумни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчиликлар, шу жумладан унинг шартлари ва қоидаларини талқин қилиш билан боғлиқ масалалар, Томонлар ўртасидаги музокаралар ва маслаҳатлашувлар орқали ҳал қилинади;

8.3. Ушбу Меморандум Томонлардан бирининг ташаббуси билан, иккинчи Томонни камида 3 (уч) ой олдин ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раиси
ўринбосари**


Н. Ачилов

**ERGO Analytics компанияси
Директори**


Р. Салахотжаев